TOSHKENT SHAHAR SHAYXONTOHUR TUMAN HOKIMI
Q A R O R I

2022 - yil 9 - noyabr 423-14-205-Q/22 Shayxontoxur tumani hokimligi

Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш ва ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлигини кучайтириш,моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда махалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5700-сон Фармонига мувофиқ, “Ибн Сино” МФЙнинг фойдаланиб турган маҳалла биносини мулк ҳуқуқи асосида расмийлаштириш ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шайхонтоҳур тумани, “Ибн Сино” МФЙ ҳудудида жойлашган маҳалла фойдаланувида бўлган Ибн Сино-1 мавзеси, 4-9-уйлар оралиғида жойлашган умумий майдони 263 кв.м.дан иборат маҳалла идораси биноси оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фойдаланиш учун “Ибн Сино” МФЙга берилсин.

2. Давлат кадастрлари палатаси Шайхонтоҳур туман филиали (Т.Каримов): “Ибн Сино” МФЙга тегишли бинони белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари амалга оширилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Равшанов зиммасига юклансин.

Шайхонтоҳур туман ҳокими **Б.Захидов**